**"ТАСДИҚЛАЙМАН"**
**ТАТУ Фарғона филиали директори**
**__________ А.М.Расулов**
**"05" январь 2021 йил**

**21. ЎҚУВ-УСЛУБИЙ БЎЛИМИ ЎҚУВ ИШЛАРИ БЎЙИЧА ИНСПЕКТОРИНИНГ ЛАВОЗИМ ВАЗИФАЛАРИ:**

- Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат Қарорлари, буйруқлари, шунингдек, ректор буйруқларининг ижросини таъминлаш;
- Факультет деканатлари ва кафедралар томонидан ўқув услубий ишларининг, ўқув, намунавий режаларни бажарилишини назорат қилиш;
- Ўқув услубий ишларининг тузилишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- Кафедраларда профессор-ўқитувчилар томонидан ўқув машғулотларининг ўтказилишини акс эттирувчи қайдномаларни, талабалар гуруҳ журналлари ва ўқув варақаларини юритилишини назорат қилиш;
- Ўқув машғулотлари жадвали асосида талабаларнинг давоматини назорат этиш;
- Талабалар контингентининг йиллик ҳамда чорак ҳисоботларини тайёрлаш ва бўлим бошлиғига тақдим қилишни ташкил этиш;
- Бўлимда юқори ташкилотлар ва ректоратнинг ҳужжатларининг ижросини таъминлаш;
- Деканатлар ва кафедралар томонидан ўқув-услубий ишларнинг бажарилишини, ўқув, намунавий режалар, махсус курслар ва семинарлар дастурлари, услубий қўлланмалар, жорий, оралик ва якуний назорат ишлари хамда бошқа ўқув-услубий ишларнинг тузилишини ташкил этиш ва назорат қилиш;
- Кафедраларнинг ўқув-услубий ишлари режаларини ҳамда ўқитувчиларнинг семестрлар бўйича ўқув юкламаларини бажарилишини таъминлаш ва назорат қилиш;
- Кафедраларнинг профессор-ўқитувчиларнинг шахсий иш режаларини амалда бажарилишини ўрганиб бориш ва соатбай ҳақ тўланадиган профессор-ўқитувчилар меҳнат меъёрларини ташкил қилиш ва тахлил қилиб бориш;
- Ўриндошлик асосида ишловчи (ички ва ташқи) профессор-ўқитувчилар ўқув юкламасини бажарилишини назорат қилиш.
- Филиал педагогларнинг малака ошириш Филиаллари ва марказларига боришларни таъминлаш ва назорат қилиш хамда якуний имтихонлардан ўтмаган педагогларни қайта ўқишларини ташкил этиш;
- Бўлим бошлиғининг қонуний топшириқларини бажариш;
- Ахборот коммуникацион технологияларни пухта билиши;
- Филиалнинг ички тартиб-қоидалари, одоб-ахлоқ қоидалари ва кийиниш маданияти талабларига риоя қилиш;

**Билиши керак:**

Ўзбекистон Республикасининг таълимга оид Қонунлари, Президент Фармонлари, Фармойишлари, Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг Ҳайъат Қарорлари, буйруқларининг моҳиятини билиши.

**Малака талаблари:**

- Намунавий шахсий фазилатларга-интеллект, маданиятли, ижодий қобилиятлар, хушмуомалалик ва ташаббускорлик қобилиятларига эга бўлиш, масъулият ҳисси, мустақил қарор қабул қилиш ва иш тутиш, қатъий ҳаракат қилиш, муассаса стратегик мақсадларига эришишни таъминлаш хусусиятларига эга бўлиши;
- Олий маълумотга эга бўлиши;
- Ўз соҳасига тегишли масалалар бўйича ахборот ва маълумотлардан хабардор бўлиши зарур.

**Классификатор бўйича:**

| № | Лавозимлар номи | ММСК бўйича код | Ходимлар тоифаси | Маълумотининг энг паст даражаси | ЎМКТМТЙКМ ва ОТЙМК бўйича коди |
|---|---|---|---|---|---|
| 1281. | Инспектор | 3152, 3431 | М | Урта-махсус | Билимларнинг қўлланиш соҳасига кўра |